



ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

АДОЛАТ

Истиқлол берган имкон

РЕГИСТОННИНГ “КУМУШ РАСТА”СИ

ёки бадий хунармандчилик ва халқ амалий санъатининг умрбоқий илдизлари

Буюк Ипак йўлида жойлашган қадим Самарқанд қосибу хунармандлари, заргар ва наққошлари билан донг таратган. Бундан юз йил муқаддам кўҳна Регистон атрофида “Кумуш раста” номи билан юритилган хунармандчилик дўконлари бутун дунёдан хариддорларни ўзига қорлаган. Бу ерда заргарлик буюмларидан тортиб, нафис ипак матолар ва, ҳатто, Самарқанднинг табиий қоғозларига сотилган. Хориждан келган савдо карвонлари “Кумуш раста”дан ҳар сафар, албатта, ўзларига керакли буюмни харид қилиб қайтишган.



Самарқанд хунармандчилиги мустақиллик йилларида жонланган, сайқал топиб бормоқда. Чунки, “Қонилик мерос” корхонаси ҳар жихатдан нафис, табиий Самарқанд қоғозларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Япониянинг махсус грантига сазовор бўлган бу корхонага ЮНЕСКО ва “ИКА” халқаро ҳамкорлик агентлиги вакиллари ташриф буюриб, бу ердаги ишлашларни юксак баҳолашди.

Умумий миллий хунармандчилигининг бой манзарасини кўз ўнгингизда жонлантормоқчи бўлсангиз, Регистоннинг Тилла-

кори ва Рухобод мадрасаларига қадам ранжидан қилсангиз, бас. Бу ерда қасбини санъат даражасига кўтарган халқ усталари, наққош зардушлар, кулол ва мунаввирлар сизни қарши олишди.

Мадраса ичидаги хунармандчилик расталари юз йил муқаддам қандай тартибда жойлашган бўлса, шу ҳолда сақланган ки, қўриб қалбнингиз ифтихорига тўлади. Рухободлик каштадўз Гулмира Каримова ва матоларга табиий бўёқ бериш устаси Шоира Ғаниева ўтган йили Америка Қўшма Штатларида ўтказилган халқ амалий санъати усталари-

фақиятини халқ ичига чуқур қилиб бора олгани, унинг ноёб истеъдоди-ю ақлу заковатини сопол буюмларда акс эттира олганлигидан, деб билади.

Самарқанд бадий хунармандчилиги ўлмишининг бой меросини пухта ўлаштириб, замон нафасини илган ҳолда янги ижодий режалар билан яшамоқда. Хусусан, қадим шахарнинг 2750 йиллиги муносабати билан хунармандлар ҳам ўз тухфаларини тайёрлашмоқда. Хусусан, “Нафис” чин-

дорлиги билан эътиборни тортади. Бош раҳсон Махтоб Турдиева бу каби намуналар байрамга кўп миқдорда ишлаб чиқарилишини ва юбилей иштирокчиларининг ҳар биттасига тарқатилишини маълум қилди.

Ҳа, Самарқанд усталари қадим ва гўзал юрт манзарасига ҳар гал хайрат билан боқишади ва бетакрор илҳом, ижодий куч-қувват олишади. Шунинг натижасида миллият улугворлигини акс эттирган



нинг халқаро кўргазмасида муваффақиятли иштирок этиб қайтди. Ўзбек каштадўзи кўргазмасига кўтарган халқ усталари, наққошлари билан тақдирланди. Ҳаммасидан ҳам у кашта-ю сўз-налар билан олис ажнабий мамлакатда ўз юртининг жамолини намойиш этиб келганидан, бу истиқлол берган имкон эканлигидан бениҳоя мамнун.

Бадий кулолчилик устаси Зариф Мухторовнинг асарлари Япония, Франция, Германия, Англия, Швейцария сингари жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидаги нуфузли музейларда намойиш этилган. Уста ўз муваф-

фақиятини халқ ичига чуқур қилиб бора олгани, унинг ноёб истеъдоди-ю ақлу заковатини сопол буюмларда акс эттира олганлигидан, деб билади.

Зохир Тўрақулов, “Адолат” мухбири
Муаллиф олган суратлар.

Таассурот

ЭНГ ҚУВОНЧЛИ, ЭНГ БАХТЛИ КУН

Президентимизнинг Афшонадаги тиббиёт коллежида бўлган кунни муассаса талабалари шундай изоҳлашмоқда

Юртбошимизнинг шу йил 14 июнь кунини Бухоро вилоятига ташрифи бухороликларда қаттиқ таассурот қолдирди. Улар бўлиб ўтган учрашув ва мулоқотларда мамлакатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифаларни бажаришга, билдирилган фикрлар, берилган масlahат ҳамда йўл-йўриқларга амал қилган ҳолда иш-хотлар жараёнида янада фаол иштирок этишга бел боғлашди.

— Ўша кунни Президентимизнинг билим масканимизга келаётгани ҳақидаги хабарни эшитиб, қалбимизни бир олам ҳаяжон қўлгади, — дейди коллеж талабаси Феруза Сафарова. — Юртбошимизнинг бизга айтган самимий сўзлари, билдирган ишончлари қалбимизга ба-мисоли нурдек оқиб кирди.

Президентимиз сўзлари ҳали-ҳамон қулоқларим остида жаранглаб турибди, — дея сўхбатга қўшилиди Моҳичеҳра Нуруллаева. — Ишончим комил, у кишининг ҳар бир гапи ҳаётда ўз ўрни-мизни топишимиз, касби-мизнинг моҳир эгалари бўлишимизда доим мадд бўлиб туради...


Ҳа, ёшлик оstonасидан

хатлаб ўтиб, орзулар олами-да сайр қилиб юрган йигит-қизлар масlahатга, йўл-йўриқ ва маддга эҳтиёжманд бўли-шади. Улар қалбига йўл то-пиш учун ўзингизни худди тенгдошдек тутишингиз, са-мимий сўзларингизни аямас-лигингиз керак. Шундагина уларнинг мурғак вужудлари-да яшириниб ётган учқун ала-нга олиб, яшашга, ишлаш-га, билим олишга даъват эта-ди. Президентимизнинг Аф-шона тиббиёт коллежи ёшлар-и билан учрашуви уларга шундай куч-гайрат бахш эт-ди, деб баралла айта ола-миз. Бу учрашув улар хоти-расида энг қадри, энг бах-тли кун сифатида муҳрланиб қо-лишига шубҳа йўқ.

Дилмурод ЖАББОРОВ

ФИДОЙИЛИК ФАЗИЛАТИСИЗ ПАРТИЯ НУФУЗИНИ ОШИРИБ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон “Адолат” СДП Жиззах ва Бухоро вилоятлари Кенгашларида бўлиб ўтган семинар-кенгаш иштирокчиларининг фикри ана шундай.



Ўзбекистон “Адолат” СДП Жиззах вилоят Кенгаши-нинг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. “Ўзбекистон “Адолат” СДП фаолиятини кучайтириш ва ишга ёндошуви янгилаш жараёнида Жиззах вилоят партия ташкилотининг иштироки” деб номланган мазкур аямасида Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиё-сий Кенгаши биринчи қотиби, Олий Мажлис Қонун-чилик палатасидаги фракцияси раҳбари Дилором Тошмухамедова иштирок этди.

Тадбирда кун тартибига ки-ритилган бешта масала муҳока-ма қилинди. “Адолат” СДП фао-лиятини кучайтириш ва ишга ёндошуви янгилаш концепция-си тўғрисидаги мавзу муҳока-масида жамиятда ижтимоий адолат ўрнатиш, фуқароларнинг сиёсий ўнгини юксалтириш, иж-тимоий жихатдан муҳтож аҳоли-нинг муҳофазасини таъминлаш борасида тақлифлар ишлаб чи-қиш ва уни амалга ошириш

бизнинг зиммамизга ҳам ниҳо-тада катта маъсулият юклайди.

Шунингдек, “Адолат” СДП мамлакатимизда кечаётган иж-тимоий-сиёсий ислохотларни жа-даллаштириш, демократик қадри-ятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, жамиятда қонун устуворлигига эришиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъ-минлашни учун ўзини сафарбар деб билиши, “давлат ва жамият-ни боғлаб турувчи кўприк” дара-жасига етиши керак.

Тадбирда вилоят партия таш-килотининг мавжуд муаммолари-ни ҳал қилишдаги ролини куч-айтириш лозимлиги, бунинг учун халқ ичига кириб бориш муҳим вазифа эканлиги таъ-кидланди. Вилоят Кенгаши де-путатлари, туман ва шахар Кен-гашлари биринчи қотиблари жойларда олиб борилаётган иш-лар, мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечими тўғрисида фикр алмашди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши ташаббуси би-лан Бухоро Давлат тиббиёт ин-ститутида ҳам “Ўзбекистон “Адо-лат” социал-демократик парти-яси фаолиятини кучайтириш ва ишга ёндошуви янгилаш жара-ёнида Бухоро вилоят партия таш-килотининг иштироки” мавзуси-даги семинар-кенгаш ўтказилди. (Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Тижорат банкларининг ка-питаллашув даражасини яна-да ошириш, уларнинг инве-стиция жараёнларида, иқтисо-диётдаги таркибий ўзгариш-ларни амалга оширишда, иш-лаб чиқаришни модернизаци-ялашда, техник ва технологик жихатдан қайта жиҳозлашда кенг иштирок этишини таъмин-лаш мақсадида:

1. Қуйдагилар банк-молия тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаш-тиришининг устувор йўналиш-лари этиб белгилансин:

банкларнинг низоом жамгар-масини кўпайтириш, уларнинг капиталига аҳоли, тадбиркор-лик субъектлари ва эҳтимол тутилган инвесторлар, шу жум-ладан хорижий инвесторлар-нинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чи-қариш ва уларни фонд бозо-рида фаол жойлаштириш ҳисо-бига банкларнинг капиталла-шув даражасини ошириш;

тижорат банкларининг ўз капитали ҳисобидан янги за-монавий ишлаб чиқаришлар-ни ташкил қилиш ҳамда мав-жуд корхоналарни модернизаци-ялаш, техник ва технологик жихатдан қайта жиҳозлашдаги инвестиция жараёнларида кенг иштирок этиши, шу асос-да рақобатбардор, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли бандлигини оширишни таъминлаш;

нақд пулнинг банкдан таш-қари айланishi янада қис-қартириш, мижозларни бирин-чи талаби бўйича нақд пул би-лан узлуксиз ва сўзсиз таъмин-лаш;

мини-банклар тармоғини кенгайтириш ва банклар то-монидан кўрсатилаётган хиз-мат турларини кўпайтириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;

тижорат банкларини юқори малакали профессионал кадр-лар билан мустаҳкамлаш, бан-кларнинг хизмат кўрсатиш маъсулияти ва маданиятини ошириш.

2. Молия вазирлиги томо-нидан 2006 йил якунлари бўйича давлат бюджети ҳисо-бига ўтказилиши лозим бўлган Марказий банк фойдасининг бир қисмини қуйдаги бан-кларнинг низоом жамгармасини кўпайтириш ва инвестициялаш ресурс базасини кенгайтириш-га йўналтириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Мар-казий банки ва Молия вазир-лигининг тақлифи маъқуллан-син:

“Микрокредитбанк”ка - 42 миллиард сўм, шу жумладан 32 миллиард сўм низоом жам-гармасини кўпайтириш ва 10 миллиард сўм кичик бизнес субъектларининг инвестиция

лоийҳаларини молиялаш мак-садида кредит линияси очиш учун;

“Пахтабанк”ка - 25 милли-ард сўм ҳажмида, шу жумла-дан 15 миллиард сўм низоом жамгармасини кўпайтириш ва 10 миллиард сўм мева-сабза-вот ва чорвачилик маҳсулотла-рини тўлиқ қайта ишлаш бўйи-ча инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида кре-дит линияси очиш учун;

“Ипотекабанк”ка - 25 мил-лиард сўм, шу жумладан 15 миллиард сўм низоом жамгар-масини кўпайтириш ва 10 мил-лиард сўм ипотека кредитлари ҳажмини ошириш мақсадида кредит линияси очиш учун.

Тижорат банкларига, йил якуни бўйича барча солиқлар ва тўловлар тўланганидан сўнг, банк фойдасининг камида 30 фоизини банк акционерлик ка-питалини кўпайтиришга йўнал-тириш тавсия этилсин.

3. Тижорат банкларига 2012 йилнинг 1 январига қадар (фойда) солиғи бўйича солиққа тортиладиган базани тасдиқ-ланган мақсадли дастурларга мувофиқ иқтисодиётнинг усту-вор тармоқларида ишлаб чи-қаришни модернизациялаш, техник ва технологик жихатдан қайта жиҳозлаш бўйича инве-стиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ўз йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлар-дан олинган даромадлар сум-масига тенг миқдорда қайтари-тириш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳкамаси (Ш.Мирзи-ев) бир ой муддатда маз-кур солиқ имтиёзларини бериш тартиби тўғрисидаги Низоомни тасдиқласин.

4. Қуйдагилар тартиб ўрнати-син ва унга мувофиқ:

тижорат банкларининг акци-яларини фойдаланиладиган пла-стик карталар, тўлов терминал-лари, дастурий таъминот, банко-матлар, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ахборот киосклари ва бо-шқа усунчалар ҳамда зарур ма-териалларни импорт қилиш ва улардан фойдаланишда Вази-рлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Пластик кар-точкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривож-лантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 445-сонли қарори-га асосан берилган божхона ва солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати 2010 йилнинг 1 январига қадар узайтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон бан-клари уюшмаси, манфаатдор ва-зирлик ва идоралар, тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда қуйдагилар бўйи-ча чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

тижорат банклари, молия ин-ститутилари, эмитентлари ва улар томонидан чиқарилаётган қим-матбаҳо қоғозларни яқка тартиб-да рейтингли баҳолаш миллий тизимини жорий этиш;

тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг агентлиқларининг кредитга лаёқатлилиқ рей-тинглари олиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазир-лиги ва бошқа манфаатдор ва-зирлик ва идоралар билан бир-галикда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вази-рлар Маҳкамасига тақлифлар кири-тиш.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазирини ўрин-босари Р.Азимова ва Ўзбекистон Рес-публикаси Марказий банки ра-иси Ф.Муллажонов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2007 йил 12 июль

И.КАРИМОВ

“ИСТИҚЛОЛ КАРВОНИ” ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Энг улуг, энг азиз байрам — Мустақилликнинг 16 йиллигини муносабати кўтиб олиш мақсадида “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши то-монидан ўтказилаётган “Истиқ-лол карвони” лойиҳаси қўчи-лиқда катта таассурот қолдир-моқда.

Истиқлол голяларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, улар-ни миллий истиқлол гоёси ру-ҳида тарбиялаш ва ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш тад-бирининг асосий мақсадларидан

саналади. Жорий йилнинг 10 июль кунини пойтахтимиздан йўлга чиққан “Истиқлол карвони” мамлакатимизнинг барча вило-ятларида бўлиб, ёшлар иштиро-кида учрашувлар, маданий-маъ-рифий тадбирлар ўтказилиш-моқда. Шунингдек, “Қамолот” ЕИХ кўмағида жойларда фаолият юритаётган ёш тадбиркор ва фермерлар иши билан яқиндан танишишмоқда, ортирилган таж-рибалар ўрганилмоқда.

Кўни кеча “Истиқлол карво-ни” қатнашчилари Сирдарё, Жиз-

зах ва Самарқанд вилоятларида бўлиб, режадаги тадбирларни амалга оширишди. Энди улар республикамизнинг жанубий во-ҳаларида бўлишади.

Дарвоқе, “Истиқлол карво-ни” сафарларида Давлат муқофоти со-вридорлари, Президент стипен-диатлари ва танқили ёш спорт-чиларнинг фаол иштирок этаёт-гани тадбирларни янада қизи-қарли, кўтаринки руҳда ўтиши-ни таъминламоқда.

Фарҳод ЭСАНОВ,
“Адолат” мухбири

ЮКСАЛИШ ВА ЎЗГАРИШЛАР ВОҲАСИ

Мамлакатимиз янгиланиш, яшарлиқ даврга қадам қўйганига ўн олти йил бўлаётди. Тарихан бу қисқа даврда республикамизнинг барча ҳудудлари қатори Навоий вилоятида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Вилоятнинг қайси бир шаҳар, туман ва қишлоқларида бўлмасин, кенг-кўламли бунёдкорлик ишларини қўриб кўзингиз қўвонади, дилингиз яйрайди.

Вилоят маркази навқирон Навоий шаҳридан тортиб, узоқ-узоқ қишлоқларгача турнақатор замонавий бинолар қад қўтармоқда. Ёшларнинг пухта билим олишлари, ўзлари севган касбларни эгаллашлари учун барча қулай шарт-шароитларга эга янги-янги касб-хунар коллежлари қурилиб, ишга туширилмоқда. Айниқса, деҳқонларнинг ер эгаси бўлиб, мустақил меҳнат қилишга таянган вилоят иқтисодиётининг юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Мустақиллик йилларида мулкчилик шакли тубдан ўзгарди. Давлат ва жамоа ҳўжаликлари фермер ҳўжалиқларига айлантирилди. Ер деҳқончилиқда ишнинг кўзини билган фидойиларга берилди. Ҳозир вилоятда 4408 та фермер ҳўжалиқи мавжуд бўлиб, улар агротехника талаблари асосида ҳар қарч ердан самарали фойдаланиб катта ютуқларга эришяптилар. Биргина утган йилги кўрсаткичлар бунинг ёркин далилидир: деҳқонлар давлат хирмонида 110014 тонна сифатли пахта топширди. Галларкорлар 17128 тонна сара дон етиштиришди. Натижада вилоят бўйича пахтадан 35267 миллион, галладан 17969 миллион сўм соф даромад олинди.

Вилоятдаги деҳқон-фермер ҳўжалиқларида богдорчиликни ривожлантириш, эл дастурхонини ширин-шаккар мевалар билан тўлдириш мақсадида амалий ишларга қўл урилди. Ҳозир фермер ҳўжалиқлари ҳисобида 3354,3 гектар бог майдонлари бор. Бунинг 3282,3 гектари ҳосилга кирди. Утган йил бог-бонлар меҳнати билан 29739,1 тонна мева йиғиштириб олинди. Шундан 35104 минг донна тўхум, 114209 донна қоракўл тери, 1580 тонна жун тайёрланди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоятда қишлоқ ҳўжалиқи ва чорвачилиқнинг жадал ривож топшишида Президентимиз ва республика ҳўкуматининг маъмур соҳани ривожлантириш юзасидан чиқарган қарорлари асосий омил бўлди. Айни пайтда вилоят банк тизимлари деҳқон ва чорводорларнинг ҳаққини маддоркор.

Утган 2006 йилда, — дейди "Пахтабанк"нинг вилоят бошқармаси бошлиғи вазифини бажарувчи Ғолиб Содиков, — Мустақиллик йилларида йирик чорвачилиқ фермалари ҳам хусусийлаштирилди. Утган 2006 йил уларда 10675 тонна гўшт, 9098 тонна сўт, 35104 минг донна тўхум, 114209 донна қоракўл тери, 1580 тонна жун тайёрланди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоятда қишлоқ ҳўжалиқи ва чорвачилиқнинг жадал ривож топшишида Президентимиз ва республика ҳўкуматининг маъмур соҳани ривожлантириш юзасидан чиқарган қарорлари асосий омил бўлди. Айни пайтда вилоят банк тизимлари деҳқон ва чорводорларнинг ҳаққини маддоркор.

Утган 2006 йилда, — дейди "Пахтабанк"нинг вилоят бошқармаси бошлиғи вазифини бажарувчи Ғолиб Содиков, —


лабзи ҳалол, аҳдига вафодор танти деҳқонлар кўп. Уларнинг ҳар бири истиклол берган имкониятдан фойдаланиб, мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиқини ривожлантириш ниятида истикбол сари дадил қадам ташлашапти.

Бир вақтлар одам юрса оёғи, қўш учса қаноти қўядиган саноат асим — Қўзилқум истиклол шарофати билан бебаҳо хазиналар диёрига айланди. Навоийлик меҳнат фахрийлари ва олимларнинг ҳўқоқ қилишлари, вилоят ҳудудида, аниқроғи, Навбахор туманидаги "Учтўрт" ширкат ҳўжалиқи юқори қисмида қадимий чўқмоқтош қони ва тош қуроллари устаҳонаси топилган. Демак, узоқ замонларда аждодларимиз қончилик ишлари билан шуғулланишган. Тарихчиларнинг тадқиқотлари тўғрисида бу қадим ҳудудда яшаган аждодларнинг ҳаётини гувоҳлик



Исмуқол — олий саогам!

қилишмоқда. Ҳозир вилоятда 47 та қўшма қорхона фаолият юритаётди. Республикаимиз Президентининг 2005 йил 6 ноябрдаги "2006 йилги маъсулот ва хизматлар экспорт прогнози тўғрисида"ги Қарорини ижро этиш юзасидан 11 та қорхона томонидан ҳудудий экспорт прогнози 3907,7 минг АҚШ доллари қилиб белгиланди. Экспортга 4153,9 минг АҚШ доллари миқдоридида маъсулот чиқарилди. Бу кўрсаткич утган йилнинг шу



сўмлик саноат маъсулотлари тайёрлади.

Мустақилликимизнинг дастлабки йилларидан қорхоналар қанчалик ишлари, машинасозлик, энергетика, қиммат соҳаси бўйича мутахассис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. 1995 йил июль ойида Президентимиз Фармонига биноан, Навоий Давлат қончилик институтини ташкил этилди. Ҳозир институтда 5 та факультет, 19 та кафедраси, 10 та таълим йўналиши бўйича ба-

қувурлари, 1591 километр табиий газ қувурлари ётқизилди. 257 километр замонавий автомобиль йўллари қурилди. Ўнлаб иншоотлар қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Чунончи, Учқудда Навоий қонметаллургия комбинатига қарашли 3-гидрометаллургия заводи, Қўзилқум фосфорит комбинати, Навоий азот ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли қаустика сода ишлаб чиқариш цехлари ишга туширилди.

Мустақиллик шарофати билан вилоят ҳудудидаги тарихий обидаларга буюк алломалар қадмажолари, меросига жиддий эътибор берили бошлади. 2001 йили муҳтарам Президентимиз вилоятда бўлганларида Қарманнинг тарихи ва вилоят ҳудудидаги бошқа тарихий обидалар, ўзларининг илму маърифати билан оламда ном қолдирган улўғ зотларнинг мақбаралари билан қизикди. Уша учрашувдан кейин савоб ишларга қўл урилди ва вилоят жамоатчилиғи бу муқаддас жойларни обод қилишга киришдилар. Қисқа вақт ичида "Қосим Шайх" тарихий мажмуаси, Мир Саид Баҳром мақбараси, "Чашма", "Сардоба", Мавлоно Ориф Дегарон, "Шохи Мардон" тарихий ёдгорликлари, "Оқмачи", "Тошмачи", "Қаъзи Азизхон", "Чилустун", "Қилич Ота" сингари тарихий обидалар қайта таъмирланди. Эндиликда ана шу муқаддас даргоҳлар нафақат навоийликлар, балки қорхонлар меҳмонларининг ҳам зиёратгоҳига айланди.

Буларнинг ҳаммаси Навоий вилояти мустақиллигининг ўтган 16 йилги давомида янгиланиш ва яшарлиқ даврининг порлоқ истикболи сари дадил қадам ташлаётганидан ёркин далилат беради.

Аскар ЖАЛИЛОВ,
"Адолат" мухбири

ХОРИЖ АБАРЛАРИ

Германия:

Олимларга эҳтиёж катта

Мамлакатдаги "Deutsche Welle" радиостанцияси DFG илмий-тадқиқот уюшмаси эълон қилган ҳисоботга таяниб хабар беришича, Германияда қарийб 70 минг нафар олим-у тадқиқотчилар етишмайдилар. Биргина муҳандислик соҳасида 22 мингта бўш иш ўрни мавжуд.

Мамлакат таълим вазири Аннет Шаван Германияда қорхон мутахассисларининг иш-лашларига руҳсат берувчи қоидаларни соддалаштиришга чўқирди. У меҳнат шартномасининг энг қам давомийлиғи ҳамда айни пайтда 85 минг 500 евро ни ташкил этаётган йиллик даромадни қўпайти-




риш лозим, деган таклифни илгари сурди.

Мамлакатдаги Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан эълон қилган маълумотда ҳам ишга яроқли аҳоли қони қаммайиб бораётганлиғи учун чет эллик мутахассисларни ишга қабул қилиш тартиб-ниҳомларини мўътадиллаштириш кераклиғи кўрсатилган.

Аргентина:

Буэнос-Айресда қор ёғди

Аргентинада ёққан қўчи қор қўнчилиқни ҳайратга солиди. Бу сўнгги 90 йил мобайнида кузатилмаганди.



Пойтахт Буэнос-Айреснинг аксарият аҳолиси ёзнинг қилисиди қор ёғишини биринчи марта ба кўрди. Мамлакат гидрометеорология хизмати маълумотларига кўра, пойтахтда охириги бор 1918 йил 27 июлда оппоқ қор ёққан экан. Россия-

нинг "Новости" ахборот агентлигининг хабар беришича, қўнчилик табиатининг бу инжиқлиғи 11 июль қони нишонланган мамлакат мустақиллиғига аталган "тўхфа", дея баҳоланган.

10 ва 11 июль қўнлари кеч-қўрун ҳаво ҳарорати совиб кетган. Йўл ҳаракати ноқирлари автомобил ҳайдовчилардан хизмат сафарларни вақтинча қамайитириш ва автомобилдан оширмасликка чўқирган.

Конго:


Мажбурий қўчириш

Ангола ҳўкумати қарийб 30 минг Конго фуқароларини депортация қилди.

"Рейтер" агентлигининг хабар беришича, Ангола ҳўкумати қорхонини равишда мамлакатдаги олмос қорхонада иш-лаётган қарийб 30 минг конголик иммигрантларни мажбурий равишда мамлакатдан ҳайдаб чиқарган.

Конгонинг қарбий қисмида жойлашган Касаи провинцияси губернаторининг сўзларига кўра, утган ҳафта Ангола ҳўкумати қорхонини муҳожирларни депортация қилиш ҳақида қарор қабул қилган, маъмур соҳани қарийб 13 минг одам қириб келган. Шунингдек, яна қарийб 15 минг ишчи ўз оилалари билан қўшни Катанга провинциясига йўл олган.

— Минглаб одамлар қайт-



моқда. Аксарият одамларнинг мол-мулклари уғирланган. Ҳозирча Анголадан қочган одамларнинг аниқ қони айтиш имконсиз, — деди Конго гуманитар масалалар бўйича вазири Жан-Клод Мумбо.

Польша:

Вазир истеъфога чиққач...

Польша президенти бош вазир ўринбосари, қишлоқ ҳўжалиқи вазири Анджей Лепперни истеъфога чиқарди.

Бу мамлакатда катта қорозиликларга сабаб бўлди. Демократик сўл қўчлар иттифоқининг парламентдаги фракцияси Польшада юзга келган сийсий таназул муносабати билан парламентга Сеймининг ўз-ўзини тарқатиши ва муддатдан илгари сайловлар ўтказиш ҳақида таклиф киритди.

Рўйхат:

Мўъжизалар тан олинмади

Португалия пойтахти Лиссабон шаҳрида дунё мўъжизаларининг янги рўйхати маълум бўлди.



Суратда: Иорданиядаги тоққа ўйиб ишланган Петра мажмуаси

Унда сайёранинг деврили 100 миллионга яқин аҳолики телефон ва интернет орқали ишқорқ этди. Яқунги натижа эса шу йилнинг еттинчи ойи еттинчи қўнида, яъни 7 июлда эълон қилинди.

Овоз бериш 2005 йил сўнгиди бошланди. Унда сайёранинг истаган фуқароси ишқорқ этиши мумкин эди. Дастлаб аввалдан танланган 77 та ишқорқ ва ёдгорликлардан 21 таси саралаб олинди. Натижада кўра, қўчи еттиликка қўнидаги ёдгорликлар киритилди.

Буюк Хитой девори, "Тоқмаҳал" ёдгорлиғи, Рим Коллизейи, Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳридаги Корковаду тоғида жойлашган Исонинг улкан ҳайкали, Мексиканиннг Чичен-Итца шаҳрида қадимги майя пирамидаси, Иорданиядаги тоққа ўйиб ишланган Петра мажмуаси, Перуддаги қадимги инқлар шаҳри Мачу-Пикчу.


Миср эҳромлари бу рўйхатга киритилмаган. У ташкилотчилар томонидан "фахрий мўъжиза" номига муносиб топилди ва унинг мақоми маъмур еттиликдан анча юқорилиғи таъкидланди.

Аммо БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО на овоз бериш жараёни ва на унинг натижаларини тан олди. Эслаб ўтамиз, ЮНЕСКО "Дунёнинг янги мўъжизалари" танлови яқунданмасдан аввал лойиҳани қўллаб-қувватлашдан воз кетганди.

Қозғонистонда "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири таъкидланди. Унга кўра, маъмур давлатда урта таълим 12 йилги таълим тизимига ўтказилди ҳамда уч босқичли (бакалаврият, магистратура, докторантура) мақсаддан кейинги таълим модели қабул қилинди.

Европа Иттифоқи молия вазири Кипр ва Мальта ҳудудидида 2008 йил 1 январдан бошлаб евро пул бирлиғи қорхон иштига руҳсат берди.

Равшан ЧАМАНОВ
тайёрлади



Пойтахтимиздаги "Ольга Томлин" қичик қорхонаси етти йилдан буюн самарали фаолият юритиб келмоқда. Бу ерда асосан буюртма асосида қўлқоп, пахтадан эшилган арқон, пилиг тайёрланади.

Биз ишлаб чиқараётган маъсулотларнинг барчаси маҳаллий ҳомашедан тайёрланади, — дейди қорхона раҳбари Ольга Томлин. — Шунинг учун ишлаб чиқараётган маъсулотларимиз арзон ва сифатли. Бундан ташқари, иш жараёни компьютерлаштирилгани ҳам қам ишчи қўчи сарфлаб, самарадорликка эришишга сабаб бўлаяпти.

Айни пайтда қорхонада иш қизиги. Йил бошидан ҳозирга қадар 3 миллион сўмлик маъсулот ишлаб чиқарилиб, ҳаридорларга етказиб берилди. Унинг бир қисми эса қорхонга экспорт қилинди.

Суратларда: қорхона фаолиятдан лавҳалар.

Носир ҲАЙДАРОВ
олган суратлар

РЕЖА УДДАЛАНМОҚДА

Солиқлар — иқтисодиёт таъини. Оҳангарон туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга солиқ ва мажбурий тўловларнинг тўлиқ ўз вақтида тўлишини таъминлаш борасида бир қатор амалий чоралар қўрилмоқда.

Туман ДСИдан жорий йилнинг биринчи июль ҳолатига 2061 та солиқ тўловчи қорхона шўхс рўйхатдан утган бўлиб, шундан ҳозирги қўнида 1652 та қорхона фаолият қўрсатмоқда. Шунингдек, юзта хусусий тадбирқорлик субъекти ишлаб турибди. 2006 йил 18 декабрдаги "2007 йил учун асосий макро-

иқтисодий қўрсаткичлар ва бюджет параметрлари тўғрисида"ги Президент қарори ижросини таъминлаш бўйича жорий йилнинг 1 июль ҳолатига бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга жами 3720996,6 минг сўм тўлуш таъминланди. Бу 2006 йилнинг шу даврига нисбатан 35 фоизга кўп демакдир.

Бюджет бўйича биринчи ярим йиллик учун 2426332,0 минг сўм миқдоридида башорат қўрсаткичи белгиланган. Бу режа ортиғи билан, яъни 2543075,4 минг сўмга баъжарилди. Июнь ойи башорат қўрсаткичи эса 165 фоизга уддаланди. Бошқача

қилиб айтганда, бюджетга июнь ойида қўшимча равишда 11357,5 минг сўм тўлуш таъминланди. Шунингдек, пенсия жамғармаси бўйича тўлушларда ҳам утган йилнинг моқс даврига нисбатан ўши қўзга ташланди. Ушбу қўрсаткичларнинг баъжарилиши бюджет ташкилотларига ва бюджетдан молиялаштирилган бошқа соҳаларга маъмурларни ўз вақтида ажратилишига, иш ҳақи ва нафақаларнинг кечиктирилмасдан бериб борилишига замин яратмоқда.

Шўқур АХМЕДОВ,
Оҳангарон туман ДСИ
шўъба бошлиғи

ДУНЁНИ СУВ БОССА...

Президентимизнинг 2004 йил 1 ноябрдаги "Электр энергиядан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизминини тубдан тақомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида туман давлат солиқ инспекцияси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумотларга кўра, қорхоналарнинг электр энергияси тўловларидан дебитор қарздорлиғи 2077,1 миллион сўмини ташкил этади. Ана шу қарздорликнинг бартараф этиш юзасидан тумандаги мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда тушунириш ишлари олиб боришмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ,

жорий йилнинг 6 ойи давомида жами 44 та қорхонанин 599 млн сўмлик муддати утган дебитор қарзи реестр орқали қабул қилиниб, шундан 257 миллион сўм қарз ундирилди, 18 та қорхонанин 342 миллион сўмлик қарзини ундириш тўғрисида ҳўжалиқ судига даъво аризалари киритилди. Айни пайтда суд қарорини ижроси этиш чоралари қўрилмоқда. Бирок,

Кези келганда айтиб ўтиш лозимки, дунёни сув босса ўрдакка не гам, деганларидек, туман электр тармоқлари қорхонаси мутасаддилари томонидан муддати утган дебитор қарзини ундириш бўйича етар-

ли даражада иш олиб борилаётди. Масалан, қорхонанин боқибегам раҳбарияти йил бошидан буюн электр энергияси истеъмолчиларининг йирик миқдордаги муддати утган дебитор қарзи бўйича на реестрларни топширган, на судга мурожаат қилган. Бундай ўзи-ўзи қўнчилиқларини бартараф этиш, қўнбузилишларнинг олдини олиш учун туман ҳокими, туман прокуратураси ҳамда Тошкент шаҳар электр тармоқлари қорхонаси раҳбари номига 3 марта тақдимномалар киритилди.

Абдували МАҲМАТОВ,
Мирзо Улўбек туман ДСИ
катта инспектори

УМРБОҚИЙ САНЪАТ СОҲИБИ

Ўзбек буюқкорлик санъатининг ўзига хос тарихи бор. Ушбу санъат буюқкорлик санъатининг ўзига хос тарихи бор. Ушбу санъат буюқкорлик санъатининг ўзига хос тарихи бор.

“Ўзбеклар, — деб ёзган эди XIX асрнинг 80-йилларида рус элчиси Н.Остроумов, — тенги йўқ, тилкор, уста наққошлардир. Нозик ва гўзал нақш солишлари, ранг-баранг гуллар, турли геометрик шакллар туширишлари қараб, уларнинг мохирлигига қўйил қоласан”. Бу уста буюқкорларимиз салохияти, маҳорати берилган юксак баҳо, албатта.

Бугун 2750 йиллик тўйига катта тайёргарлик кўраётган Самарқанд ўзининг бетакрор тарихий обидалари билан машхур. Айниқса, соҳибқирон Амир Темури хамда Мирзо Улугбек даврида шаҳар ва


унинг атрофларида кўплай ажайиб меъморий обидалар бунёд этилган. Ушбу буюқкорлик санъатининг ўзига хос тарихи бор.

Ана шундай усталардан бири Мирумар Асадовдир. У 1927 йилда Самарқандда, устозлар оиласида туғилган. Мирумарнинг меъморчили-

ка, буюқкорлик касби бўлган илк ҳавасини бобоси, замонасининг машхур ўймаkori уста Абдуллоҳфиз уйғотган эди. Мирумар дастлаб Самарқандда буюқкорлик машхур уста Ширин Муродов очган икки

йиллик ёдгорликларни таъмирлаш билим юртини томонлади. Бу билим масканида Мирумар ганчкорлик, кошкорлик, наққошлик хунарларидан сабоқ олди, малака оширди. Ўқийдани кейин устозлари, акалари билан ёнма-ён ишлаб, тез орада истеъдодли уста даражасига эришди.

Уста дастлаб Регистондаги Улугбек, Шердор ва Тиллакори медресаларини таъмирлашга бел боғлади. Бу буюқкорлик санъатининг ўзига хос тарихи бор. Ушбу санъат буюқкорлик санъатининг ўзига хос тарихи бор.



Хожа Ахрор масжидидаги ганчкорлик, наққошлик, кошкорлик ишларини олиб борди. У Самарқанд, Шахрисабз, Қарши, Термиз, Тошкентдаги тарихий обидаларни таъмирлашга катта ҳисса қўшди. Устанинг энг кўп меҳнати Бибиҳоним жоме масжидини қайта тиклаш ва таъмирлашга сарфланди.

Тажрибали уста Мирумар Асадовнинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти сазовор бўлган, кўплай нишонлар совриндори.

Хулоса шуки, бунёдкорликдек олижаноб иш билан шугулланган мохир усталар

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ
сайъатшунос,
Ахрор ЭШМУҲАМЕДОВ,
талаба

Футбол

МАҚОЛМИ, МАТАЛ?

ёхуд айрим суҳандонларнинг “чучук” тили хусусида

Халқимиз ўзининг қадимий маданиятига, шу жумладан, жаҳон адабиётининг дурдоналари сирасига кирган ёзма ва оғзаки адабий меросига эга. Халқ мақоллари, маталар, нақллар, топшимоқлар, масаллар, айтишувлар, асқиллар, лапарлар, ҳикматлар ва ҳар хил индиомалар шу адабий мероснинг ажралмас қисмларидир. Уларнинг ҳаммаси тилинг, нотиликнинг образли ифодасини ташкил этиб, афористик ижодиёт намуналари ҳисобланади.

Бугунги кунда ёзувчи ва шоирларнинг, нотиклар ва суҳандонларнинг сўз кўллашдаги маҳорати, нутқ маданияти ўсиб бормоқда. Бу, шубҳасиз, ҳозирги замон ўзбек адабий тили ривожига, тақомилида муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, мустақиллик шарофати билан тилимизга Давлат тили мақоми берилгандан сўнг бу соҳада ўзгаришлар яққол кўзга ташланмоқда.

Аммо баъзан нақл, мақол ёхуд маталарни чалқатириб кўллаш ҳоллари ҳам учраб турибдики, бу айрим нотик ва суҳандонлар тилимизнинг бойлигидан чучук хабардор эмасликлари оқибатидир.

Яқинда бир вилоят радиосининг кўнгилчорлар мусиқий дастурини тинглаб ўтириб, суҳандоннинг “Халқимизда “Ар-ғамчига қил қувват”, деган нақл бор...” деганини эшитиб қолдим. Ушбу иборани суҳандон нақл сифатида айтиб ўтди. Ахир, бу нақл эмас, мақол-ку?

Шунингдек, мақол билан маталнинг ҳам ўрнини алмаштириш ҳоллари учраб туради. Тўғри, матал мақол жанрига яқин, лекин назарий

Гулҳаё ПИРНАЗАРОВА,
ЎЗМУ талабаси



Гарчи, қитъа чемпионатининг бир йўла тўрт мамлакат — Таиланд, Малайзия, Вьетнам, Индонезияда ўтказилаётгани аксарият мутахассислар томонидан қораланаётган бўлса-да, кейинги йилларда Осиё футболда ривожланиш юз берганлиги кўзга ташланмоқда. Буни дастлабки турда қайд этилган ҳисоблар ҳам тасдиқлаб

турибди: “А” гуруҳи: Таиланд — Ироқ — 1:1, Австралия — Уммон — 1:1; “В” гуруҳи: Вьетнам — БАА — 2:0, Япония — Қатар — 1:1; “Д” гуруҳи: Индонезия — Бахрайн — 2:1, Жапония — Саудия Арабистони — 1:1.

Дастлабки турдан сўнг, Ўзбекистон миллий терма жамоаси қатнашаётган “С” гуруҳида кучлилар деярли

аниқ бўлиб қолди. Қутилганидек, гуруҳ баҳслари мезбони — Малайзия футболчилари Хитой терма жамоасининг шиддати ҳужумларида дош беролмади. Хитойликларнинг бир-биридан чиройли бешта тўпига атғи бир маротаба жавоб қайтаришди, холос.

Уч қарра Осиё кубоги соҳиб, жаҳон чемпионлари иштирокчиси Эрон терма жамоаси илк учрашувда ҳамюртларимизга рўбарў келди. Хабарингиз бор, жароҳатлари туфайли етакчи ўйинчиларимиз Мансур Саидов (“Нефчи”), Асрор Алиқулов (“Пахтакор”)лар чемпионатда қатнаша олишмаяпти. Моҳир ҳужумчи Камсис Шаққис эса Қатар футболчиларига қарши кечган саралаш учрашувда майдондан четлатилган эди. Шу сабаб у Эрон билан ўтган ўйинни майдон ташқарисидан кузатди. Таркибида ана шундай йўқотишлари бўлишига қарамай, Рауф Иниев шогирдлари учрашувни анча ишончли бошлашди. Хатто, ўйинда биринчи бўлиб ҳисобни очтиди. Аниқроғи, 18-дақиқада ҳужумчимиз Улугбек Бақоев рақиб ҳимоячисининг

Кеча бўлиб ўтган иккинчи турнинг дастлабки икки учрашувда куйидаги ҳисоблар қайд қилинди:

Уммон — Таиланд — 0:2; Қатар — Вьетнам — 1:1; Бугун эса Ироқ — Австралия, БАА — Япония терма жамоалари ўзаро куч сынашди.

Камолдин МИРЗАМАХМУДОВ

Болалигим — пошшолуғим

Ораминдаги одамлар

ШИЖОАТЛИ ОНАХОН

Шундай инсонлар бор: улар бутун умрларини эл-юрт фаровонлиги, қишлоқ бахт-саодати учун баҳишда этибдилар. Бу билан ёзма-ён, бақамти яшайдиган бундай инсонлар яхшиликлари, одамларга улашган меҳрлари учун бирор нарса таъма қилишмайди. Шу боис улар эл-юрт ўртасида катта ҳурмат, обрў-эътибор қозонишади.



Қибрайлик Саври Махмудова қарийб 60 йилдан буюн фақат бир жойда, Қибрай туман шифохонасида ишлаб келади. Қалби шижоатга тўла онахон шу йиллар давомида шифохонада санитар, бўлим бекаси бўлиб фаолият юритди. Сидқидиллар қилган меҳнати, хушмуомалалиги, жонкуярлиги туфайли кўпчиликнинг ҳурматида сазовор бўлди. У 72 ёши қарши олганига қарамай бугун ҳам шифохонадаги фаолиятини давом эттирмоқда.


— Бу ерда иш бошлаганимда 14 ёшда эдим, — дейди онахон хотираларини эслаб, — Фаолиятим давомида кўплай шифокорлару беморларни кўрдим, уларнинг ҳар бирига меҳр қўйдим. Шифохона менинг иккинчи уйимдек, шифокорлар эса фарзан-

дларимдек бўлиб қолган. Одамларни доимо соғлом бўлишларини, ҳаётдан мамнун яшашларини истайман. Дарҳақиқат, аҳил жамоада ишлаётган барча ходимлар Саври аяни ҳурмат қилишади, маслаҳатлар олишади. Уни кўпни кўрган онахон, фахрий ҳаммаси сифатида қадрлашади.

— Онахонимизни тиббий соҳасининг фидойиларидан бири деб биламан, — дейди бош шифокор Одил Бойматов, — Шифохонамизнинг обрў-эътибори ҳам, фаизи ҳам у киши. Биздан маслаҳатларини, энг муҳими, дуоларини аямайдилар.

Айтганча, нуруйи ёшда ҳам халқимизга беминнат хизмат қилаётган Саври аянинг жўшқинлиги, зўр шижоатига кўпчилик ҳавас билан қарайди. Зотан, онахон одамлар қорига яраб яшашни ҳаётининг мазмунини деб билади.

Ўқтам ХУДОЙҚУЛОВ,
“Адолат” мухбири



Мушуклардан кўрққан Наполеон

• Эйнштейн жон бераётганида унинг сўнги сўзлари ҳам ўзи билан бирга кетган. Чунки ўша пайтда унинг ёнида ўтирган аёл немисчага тушулмаган.

• Инглиз ёзувчиси Виржиния Вульф аксарият китобларини тикка турган ҳолда ёзган.

• Сара Бернар 13 ёшли Жульетта ролини 70 ёшида ўйнаган.

• Уолт Дисней болалигида бир боққушни қийнаб ўлдирган. Шундан сўнг у жониворларни мультфильмларда “тириштириш”га киришган.

• Наполеон айлулофобия — мушуклардан қўрқиш касалига дучор бўлган.

• Юлий Сезар сочлари тўкила бошлаганини яшириш учун дафна гулчамбари тақиб юрган.

• Жорж Вашингтон томорқасида марихуана етиштирган.

• Телефон кашфиётчиси Александр Белл онаси ва хотинига бирон марта ҳам кўнгирок қилмаган — улар гунг бўлишган.

Келинг, қулишамиз!

Эркакнинг гапи битта

Афандидан сўрашибди: — Сиз нечага кирдингиз? — Бу йил қирққа кирдим, — дебди Афанди. — Ие, бундан ўн йил бурун ҳам қирққа кирдим деган эдингиз-ку? Афанди жавоб берибди: — Эркак киши битта гапирди!

Хайрият

Афандининг яқтагини хотини ювиб, дорға ёйиб қўйган эди. Афанди кечаси уйғониб, ховлига чиқди. Дорға осиглиқ турган яқтагини ўғри гумон қилиб, ов милтигини олиб чиқиди-да, яқтакка қараб ўқ узди. Эрта билан туриб қараса, ўзининг яқтаги экан, хурсанд бўлиб деди: — Хайрият, яқтақнинг ичиди ўзим йўқ эканман!

Ҳуқуқий маслаҳатхона

Инвесторга имтиёз катта

Республикамизда чет эл инвесторлари билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар кўп. Улар учун қонунчилигимизда қандай имтиёзлар белгиланган?

Самаллар ДАМИНОВ
Қашқадарё вилояти

Мамлакатимизда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш ва инвестицион фаолиятни ривожлантиришнинг қонуний асослари ишлаб чиқилган (“Инвестиция фаолияти тўғрисида”, “Чет эл инвестицияси тўғрисида” ҳамда “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунлар). Жумладан, чет эл сармояси асосида ташкил этилган корхоналар учун қонунчилигимизда бир қатор имтиёзлар белгиланган.

2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш бора-бора қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонида кўра, ўша йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этувчи

300 минг АҚШ доллари-дан 3 миллион АҚШ доллари-гача — 3 йил муддатга; 3 миллион АҚШ доллари-дан 10 миллион АҚШ доллари-гача — 5 йил муддатга; 10 миллион АҚШ доллари-дан ортқ бўлса — 7 йил муддатга солиқдан озод этилади.

Саволга М.УМАРОВ
жавоб берди

Бож миқдори ўзгартирилади

Шикастланган автомобилларни олди-сотида қилганда бож тўловлари учун қандай имтиёзлар бор?

Ш.ТЕМИРОВ
Тошкент вилояти

Шикастланган автотранспорт воситаларининг олди-сотида, алмаштириш ва ҳада шартномалари расмийлаштирилаётганда бож миқдори улар яроқчилигининг қолдиқ фозиига қараб ўзгартирилади ҳамда унинг миқдори битишув қат-

нашчиларининг хоҳишига кўра ва давлат нотариусининг топшириғига биноан Адлия вазирлиги суд-экспертлари, бундай мутахассислар бўлмаган вилоятларда эса “Ўзавтотехсизмат” АЖ корхоналари ходимлари томонидан белгиланади.

Гумон қилинувчи ҳуқуқлари

Яқинда қўшимчиликда ўғирлик содир бўлди. Маҳалламиздаги болалар, шу жумладан, менинг ўқувчи ҳам гумон қилинувчи сифатида икки ишлар бўлимига олиб кетишди. Айтингчи, қонунда “гумон қилинувчи” атамаси асосда қишлоқларга нисбатан ишлатилади-ю, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нимага асосланган?

З.МУҲАММАДИЕВ
Навоий вилояти

Бу ҳақда Жиноят-процессуал Кодекснинг 47- ва 48-моддаларида муфассал баён этилган. Унга кўра, гумон қилинувчи жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тарқасида иштирок этишига жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахсдир. Шахсни гумон қилинувчи тарқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради.

Гумон қилинувчи ўзининг нимада гумон қилинаётганини билиш; ушланганидан кейин 24 соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш; ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ва ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш; таржимон хизматидан фойдаланиш; гумон қилинувчи деб эътироф этилгани тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан ёки ушланган пайтдан бошлаб ҳимоячи олиш ва сўроқ тугаганидан сўнг у билан холи учрашиш; ҳуқуқларини ҳимоя қилишни шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш;

Шу билан бирга, у суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг қаққурувидаги бионон ҳозир бўлиши, суриштирувда ва дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатан аниқлашга даллиларни йўқ қилиш, сохташтириш, гувоҳларни қўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўққинлик қилмаслиги; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорлари ва ЖПКда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўққинлик қилмаслиги; ишнинг тергов қилишда тартибга риоя этилиши шарт.

Чипта беришмаса...

Мен йўналишдаги автобуслардан бирида ҳар кун ишга қатнашман. Қўнунча йўл ҳақини тўлаганимдан кейин чипта беришмайди. Қонунда бунга бирор-бир чора борми?

В.ЖОНИБЕКОВ
Тошкент шаҳри

Ҳа, бор. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 145-моддасига асосан ҳаво, темир йўл транспортида йўловчиларни чиптасиз ташиш энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жари-

ма солишга сабаб бўлади. Агар бу ҳол сув, автомобильнинг 145-моддасига асосан ҳаво, темир йўл транспортида йўловчиларни чиптасиз ташиш энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жари-

Саволларга Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори Тохир АЗМАТОВ жавоб берди

Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги 42 сонли футбол мактаб-интернати томонидан Нурматов Жамшид Абдумитович номига 2007 йилда берилган О’Р—Ш №0731900 сонли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ADOLAT
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСІЙ КЕНГАШИ
www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Тахрир хайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунқўз ҚЎЗИЕВ,
Турсунқўз ДАМИНОВ,
Равшан ХАЙДАРОВ,
Мамазоир ХЎЖАБЕРДИЕВ,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИКОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Талғат МУРОДОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган
Телефонлар: қабулхона — 136-53-14; факс — 133-40-86; котибият — 136-55-96; реклама бўлими — 133-41-89
Матбуот: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди
• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.
Нашр индекси — 100
Навбатчи — Б.БОТИРОВ
Саҳифаловчи — З.БАКИРОВ